





**>> Буюк Даشتнинг улуғ алломалари**

(Давоми.  
Боши ўтган сонларда).

Санжар пири комилнинг шеърини кўзига суртиб олди.

Ва қироат қилишга изн сўради.

— Майли ўқинг, Султон. Ўзгалир лафзидин биз ҳам эшитайлик, не битибмиз.

Санжар охиста, ёник бир дард ила шеърни ўқиди:

Шакис билинг, будун барча ҳалқидин ўтаро,

Инномагил молингга, бир кун кўлдин кетаро.

Ота-она, қариндош, қаён кетди фикр қил,

Тўрт оёқлик чўбин от бир кун сенга етаро.

Дунё учун гам ема, Ҳаддин ўзгани дема,

Киши молини ема, сирот узра тутаро.

Ахли аёл, қариндош, ҳеч ким бўлмайди йўлдош,

Мардана бўл, ғарип бош, умринг елдек ўтаро.

Қул Ҳожа Аҳмад тоат қил,

умринг билмам неча йил,

Аслинг билсанг, оби гил, яна гилга кетаро.

Санжар бағоят мутаассир бўлди, ҳикматнинг сўнгни сатарни ҳижжалап ёддан ўқиди.

— Аслинг билсанг, оби гил, яна гилга кетаро...

Ҳазратим, бу жавоҳир ул ҳикмат бўлибдир. Биз уни бўйнимизга тумор янглиг осиб юргаймиз. Дуо қилинг, пирим.

Шайх ул-машойих дуога қўл очди.

**МАНСУР ҲАЛЛОЖНИНГ ХОКИ**

26- ф а с л

**Билмадилар муллалар «Аналъақ»нинг маъносин. Қол илмига ҳол илмин ҳақ кўрмади муносаби. Ривоятлар битилди, ҳолин анинг билмади, Мансурдек авлиёни қўйдилар дорга осиб.**

**Аҳмад Яссавий.**

Чирсиллаб чилла кирганида Шайх карвони омон-эсон Марвага келиб кўнди. Марв... Ровийлар бу шахарни Искандар Зулқарнайн барпо этган дейдилар. Аҳмабас. Ҳар қалай, у қадим ва муборак қасабалардан эди. Агар Самарқанд мадинат-ат тужкор, Бухоро мадинат-уп ислом бўлса, Марвни мадинат-уп фузало дерлар. Марвнинг ўхумат тўла кутубхона-парига Шому Йирок уламолари ҳам интизоз эди. Фақиҳлари, донишлари, мұжтахиду мударрисларининг шұхрати Бағдод ҳалифасининг саройигача етиб берган эди.

Шунинг учун ахли ислом Марв номини тоқ айтмас, Марви шоҳи жаҳон дей шарафлаб тилга оларди. Зардуштийлар ҳикмати борки, нон мўл-кўл бўлган мамлакатда панд-насиҳат ҳам қулоқка яхшик ўрнаш эшиш. Марв маъмур, обод вилоят эди. Мурғоб дарёсидан қазиб келтирилган ариқларда ёз бўйи шарқираб сув оқар, ўтлоги қалин, чорваси семиз, дехони Марви жаҳон бозорини яшнатиб турарди. Салхукъилар салтанати даврида Марвнинг бир ҳуснинг ўн ҳусн кўшилди. Султон Санжар учун Марв кўз қувончи, гурури, гўёки падари бузруквори, волидан меҳрибони, ҳадиси шарифда марҳамат қилингандек, охиратнинг экинзори эди.

Султон Санжар пири комилга атаб саройда хос хоналар ажратган эди. Шайх «Рухни танадин айриб бўлмас, тана қайда бўлса, рух шунда бўлмоғи маъқуб» дега рўйхушлик бермади. Зиёратчилар билан бирга шаҳристондаги муаззам хонақоҳга келиб тушди. Бу такягоҳ тархини Султон Санжарнинг ўзи чизиг берган, шу боси санжарий деб атапларди. Ҳонақоҳ ҳорваси улуғ эди, ҳар тарафи юз қадамча келар, гир айланга бежирим ҳужралар солинган эди. Ҳорвлида тут, ўрик, хурмо барк уриб ўсади. Ҳонақоҳнинг тўрт буржиди тўртта улкан ҳорвуз. Намозхонлар учун сербар, узунчок айвонлар, бирйўла юз қиши намоз адо этадиган масжид, новвойхона, ошхона, таҳоратхона... Дошқозонларда қишин-әзин Султон амири билан эҳсонин таом қайнаб туради.

Шури шутур чўлида бир ҳафта йўл босиб аёзлаган дарвишлар иссиқ ҳужралардан боз чиқармай узлатга чекиндишлар. Шайх ул-машойих эса иккى кундан сўнг фарзи айн деб устоди соний Юсуф Ҳамадоний зиёратига отланди. Қабатига Сулеймани, Мансурхўжа билан Кутбиддинни олди. Устод қабри шаҳар сиртида, Шайхали деб атаплиш кўхна мозористонда экан. Мужовир йўл башлади. Қари гужум тагига бориб тўхтадилар.

— Мавлоно Ҳамадоний ҳамратлари, — деди мувошир ва кўзи билан устини қовқирок гиёх босган дўйнликка ишора қилди. Устод «Тобутимнинг тепасида Аҳмад «Анназот»ни ўқисин», дейа васит қилган эдилар. Тайдир экан, пири муршидин туроқча топшириш Аҳмадга насиб этмади. Устод Бухородин Марвага ҳижрат қилаётib йўлда Аллоҳ раҳматига бордилар.

Пирининг васиятини адо этиш фурсати етган эди. «Анназот» сурасини хатм қилиб фотиҳага кўл очди:

— Илоҳа, омин! Алайхирахма ва раҳмон, ҳақ субҳонака ва таолу ундан роғи бўлсин ве раҳматига олпин, валлоҳи аълам биссавоб!

Ҳаким Сулеймон Ҳазратга иқтидо этди:

— Аттароллоҳу марқад! Пока парваридор, ўзинг Шайх у-раииснинг ётган ерини нурга тўлдириб, аниң руҳини муаттар қилғойсен, Аллоҳу акбар!

Зиёратчилар чошгожа яқин Марвнинг саришта, сокин кўчаларидан ҳонақоҳга қайтиб келмоқдалар. Қўнгилларига гўё нури раҳмат ёғилгандек. Зеро, Расулуллоҳ марҳамат қўнгилларки, амалларнинг энг яхшиси – марҳумларни зиёрат этмоқдир. Султон ул-орифин қальса дарвазасидан ўтиб, қўнгилга томон бурниди. Юз қадамга нарида қўқайиб эски масхид турарди. Тор айвонда офтобшувоклаб тўрт-беш киши ўтириби. Шайх уларга бир кур разм солди-ю, ерга қараб деди:

— Сулеймонкул, айвон олдига борганингизда эчкисоколли, бир кўзи ғилай кимсага назар солинг. Сўнг бизга аскотади.

— Хўп бўлади, пирим, – боз иргади Сулеймон. Айвонга рўбарў келдишлар. Шайх ҳамиша ерга боқириар, саломга ҳам қишининг ўзига қарамай алиқ олиш одати бор эди. Айвондаги кишилар уч кариини кўриб саломга турдилар. Сулеймон бир нафас тўйтади. Шайх айтган кимсанинг башарашиб тикилди. Навзамбили! Бул как ростдан ҳам эчкисокол, ростдан-да, ғилай эди!

Сулеймон илдам одим ташлаб ҳамроҳларига етиб олди.

— Турки таровати кўзингизга ташландими? – ним-табассум қилиб сўради Шайх.

— Мин одамнинг ичидан топ, десангиз адашмай топиб беражакман, пирим.

— Дуруст, – деб қўйди Шайх.

Мехмонлар ўтиб кетгача, гурунг давом этди. Эчкисокол уламо мударрис Абдукарим сўфи эди. Ҳалиғамбар ўшига етмаган бўлса-да, ўзини Ҳаққа

Саъдулла СИЁЕВ

## Аҳмад Яссавий

Роман



## Обунада вилоятига нацуна

Саврон тумани Қорачик қишлоғининг фаҳрий зиёли отахони, жорий – 2025 йили кутлуғ 75 ёшни қаршилайдиган фаҳом жамоати муштариимиз, обунада 210 нусхалик кўрсаткини билан нафасат Саврон, балки Туркистон вилоятида ҳам энг илгор, пешқадам Қодир Аҳмедовга таҳририят номидан миннадорчилик изхор этамиз.

Давлатимиз сиёсатини она тилимизда тарғиб қиласётгандан «Жанубий Қозогистон» газетаси ададини оширишга кўшаётгандан ҳиссаси учун катта раҳмат. Юксак зафарлар ёр бўлсин!

Қ. Аҳмедов иҳодидан на-мунани эътиборларингизга ҳавола қиласими.

**ТАХРИРИЯТ.**

## Шоир эмасман ...

Шоирликни қилмайман даъев,  
Зотан ўйқидир бундай муддоа.

Лекин олмиш қалбим тўридан,

Муқим ўрин ул сирли наво.

Кўнгил ишқин рад этолмайман,

Елдай қуевиб, ҳеч етмолмайман.

Қабргача борса, ажабмас,

Қуеса қочиб ҳам кетолмайман.

Ишқибозман, айбга буюрманг,

Шеърларимга қовоқ үорманг.

Не бор сенга бу майдонда деб,  
Гурзи олиб, ортимдан юрманг.  
Бу ҳам Аллоҳ берган битта дард,  
Рад этолмас, манман деган мард.  
Иқтидорга бўлар яраша,  
Юқтирмаса илҳомидан гард.

**Қодир АҲМЕДОВ,**  
Туркистон вилоятининг  
ибратли фуқароси.

## Муштариий илҳоми

### «Жаннатим онамисиз, давлатим отали!»

Саврон тумани, Қўсмез-гил қишлоғидаги Ж. Ташенов номли мактабни аъзога ташомлаб, Алмати шаҳридаги Қаниш Сатбаев номидаги универсitetнинг 1-босқичида таҳсил олаёт-

вирда) билан ҳамқишлоқла-ри ва устоzlари фаҳрлани-шади.

Чароснинг ота-она ҳақи-даги қуидаги шеъри ўзбек тилини ва адабиёти муалли-1-босқичида таҳсил олаёт-

тича билот чилимда.

Дунё ташвишига кўйинманг, кўйинг,  
Райхоннинг жаннатим ҳидига тўйин.

Сизлариз биз киммиз, ота-онажон?!  
Сиз бор-ки, баҳтиёр кунимиз шодон.  
Жаннатим онам – сиз, давлатим отам!  
Сизсиз, воҳ, зимиштон бу ёргу жаҳон!

Ҳожи она бўлинг, ҳожи ота сиз,  
Бошимда юлдузим – ўзиниз сўзсиз.  
Ягона тилагим: жаннатларда ҳам  
Насиб этиб зора, кўришолсан куз!

Чарос Лазиз қизи,  
Қаниш Сатбаев номидаги  
университет талабаси.

## Хотираобод

### ЯХШИЛАРНИНГ ЁРҚИН ЁДИ

Илмига амал қиладиган одамнинг фа-  
зилати олийидир.

Фузайл ибн ИЁЗ.

Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғидаги Жамбий номли мактабда узоқ йиллар ёш авлодга таълим-тарбия берган нафақадаги ўзбек тилини ва адабиёти ўқитувчиси Абду-ғофир Эрметов 96 ёшида дорулфандондан дорулбақога риҳлат қилди.

Арметов умр ўйлоши Баҳрий ая билан етти фарзанди имлми, ҳунарли қилиб тарбиялагандилар. Устоz-мураббийнинг салкам бир аср умр кўришига муносаби ҳисса кўшган олижаноб фарзандлари Улугбек ва Умидалар ҳам келажакда дилбандларидан ўзи юксак оқибатга сазовор бўлишини топибди.

Орадан кўп вақт ўтмай, Абдуғофир Эрметовнинг тўйнич қизи, Улугбек номли мактабда ишлаб нафақага чиқсан рус тилини топибди.



муаллимаси Ҳурматой Абисхова ҳам оламдан ўтди.

Азиз ва мўъ

&gt;&gt;&gt; Футбол шунқори

# ФАХРИДДИННИНГ ФАХРЛИ ВА ФАРАҲБАХШ ҲАЁТИ

*Ким ўзини катта олмаса, у ўзи  
ўйлагандан кўра ҳам дурустроқ  
одамдир.*

*И. Гёте.*

Хозирги турфа ахборотларга бой, бор-  
ликини тезкор алоқа ва замонавий техноло-  
гиялар эгаллаган вақтда айрим орамиздаги  
одамлар тўғрисида кўччилик етариғи маъму-  
тотга эга эмас. Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган  
инсон – юртимизда умргузаронлик қилиб,  
футбол соҳасида мисли кўрилмаган ютуқ-  
ларга эришган афсонавий қаҳрамон. У ҳа-  
миортаримиздан бирини бўлиб футболдан  
халқаро миёсдаги спорт устаси, ўсмирлар  
ўртасида 1981 йилда бўлиб ўтган Европа  
чемпионатининг бронза медали совриндо-  
ри...



Фахриддин Исломов 1963 йил 23 октябрда Сайрам тумани маркази – Оқсуқент кишлогоғи, ишичи оиласида таваллуд топди. Отаси раҳматли Экуб ота ўзининг 9 йиллар туман кўмір омборхонасида коровуллик вазифасини бажарди. Волидиа мұхтарамаси Нийёғи она ўй бекаси эди. Экуб ота ўзининг ҳалол меҳнати билан 9 фарзанд – 5 ёзи ва 4 ўғилни вояга етказиб, муносиб инсонлар сифатида тарбиялади. Уларнинг ҳамаси айни пайтда жамиятимизда ўз ўрнларига эга. Мен мактабдаги фаолиятим давомида, Экуб ота билан кўп муомалада бўлганиман. Чунки мактабда зарур бўлган кўмірни туман марказидаги омборхонадан олардик. У жуда ҳам один, ҳақгўй, камтарин инсон эди. Отахондаги бу хислатлар Фахриддинга ўт-  
ганигини мен у билан бўлган мулқотларда хис қўлдиди.

Фахриддин 1970 йили Зоя Космодемьянская номли мактабда ўқиши бошлади. Ёшлигидан спорта, яйника, футболга бўлган қизиқиши, бошлангич синфларданоқ унга тинчлик бермасди.

Ўтган асрнинг 70-йилларида туман маркази Оқсуқентда спорт мактаби мавжуд бўлиб, унда футбол гурухи ҳам бор эди. Бу тўғракни кўп йиллар давомида таҳқиби муррабий Владимир Скринник башқарган эди. Владимир Иванович ўз фаолиятини ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб 2010 йилгача давом этиради. У кўйлаб таникли фут boltchilarни тарбиялади. Фахриддин ҳам ўзининг биринчи устози Владимир Скринник эканлигини фахр билан хотирлайди.

Фахриддин ўзининг катта футболга кириб боришига сабабчи поччаси Абдугофир Маннопов эканлигини миннатдор тўйгулар ила таъкидлайди. У 7-синфда ўқиб юрган пайтда уларига поччаси меҳмон бўлиб келади. Асли қорабулоқлик Абдугофир аса Тошмени тамомлаб, давр тақозоси билан Тошкент вилоятининг Бўка туман касалхонасида бош шифорок эди. Ўз даврида катта обрў-этиборга эга бўлиб, ҳамкишлопларига кўп ўхшиликлар қилганилиги тўғрисида ҳалқ орасида илик гаплар юради. 1977 йилда Фахриддин Исломов Абдугофир аканинг кўмугиди Герман Титов номидаги Ўзбекистон Республикаси футбол мактаб-интернатига ўқишига жойлашиди. Шу йилдан ёзигибон Фахриддин ўзини биринчи устози Владимир Скринник эканлигини фахр билан хотирлайди.

Футбол мактабида Фахриддиннинг му-  
раббийлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
мураббий Владимир Яшченко ва Гурям Да-  
раселия бўлди.

Гурям Дараселия ССРДа машҳур, 1982 йил  
маданият мактабида Сайрам туман ўзбек маданият  
марказида оиласида тарбиялаб, ўтган ўйинни  
унашыди. Шу йилдан ёзигибон Фахриддин

чемпионатида ССРД терма жамоаси брон-  
за медали билан тақдирланди. Уша терма  
командада сафида Фахриддин Исломов ҳам  
бор эди. Жамоада Фахриддин билан Олег  
Горотовсов, Геннадий Литовченко, Станис-  
лав Черчесов сингари футболчилар тўп  
сурдилди. Кўччилик футбол ишқибозлари  
Олег Протосов ва Геннадий Литовченкони  
1983-85 йилларда "Днепр" Днепропетровск  
жамоасида, 1985 йилдан "Динамо" Киев  
жамоасидаги ўйинлардан билишиди. Улар-  
нинг ҳаракатлари билан "Днепр" 1984 йилда  
ССРД чемпиони бўлган. Протосов-Литов-  
ченко тандеми ўша вақтда жуда машҳур эди.  
Станислав Черчесов эса "Спартак" Москва  
ва ССРД терма жамоасида дарвозабонлик  
қилган. Мавзум вақтчача Россия терма жа-  
моасининг бош мураббийи бўлган.

ҳаллий "Нефтчи" билан ўтказмоқда эди.  
"Нефтчи" ўйинчиси Алекпер Абдуллаев ўйин  
давомида Фахриддиннинг чиройли амала  
ошибиретган дриблингларга дош беролмай,  
уни спортига хос бўлмаган кўпоплик билан  
тўғридан тўғри ўнг оёғига тегиб тўхтатади.  
Натижада унинг ёғиги синади. Синик шундай  
даҳшатли эдик, уни футбол майдонидан  
"Тез ёрдам" машинасида касалхонага олиб  
кетишиади. Бўкуда кейин шахсан ўша пайд-  
аги Озарбайжон Компанияси Биринчи  
котиби Гейдар Алиевнинг кўрсатмаси билан  
Москвада даволанади. Узок вақт, 1,5 йил  
деволаниб, Тошкентда қатади. Афсуски,  
шунчун даволанишига қарамага, жароҳатнинг  
оғирлигидан Фахриддиннинг ўнг ёғиги 4 см.  
қиска бўлиб қолади.

У ўз фаолиятини "Паҳтакор"нинг дублёр  
жамоасида давом этиради.

1986 йилда қадрдан қишлоғига қайтиб,  
Оқсуқент кишлоғидаги 141-ЎҲТБОда спорт  
ва маданий ишлар бўйича директор үринбос-  
сари бўлиб ишлади.

Фахриддин Исломов 1991 йилдан то ҳо-  
зиргача фаолиятини тижоратга бағишилаб  
келмокда.

Фахриддиннинг, айниқса, бева-бечора-  
ларга, кам таъминланганларга, мұхтохларга  
кўрсататган ёрдами бекиёсди. У ҳақда  
биз маҳаллий аҳолидан илик гаплар эшит-  
дик.

Фахриддин Исломов 2012-2017 йиллар  
давомида Сайрам туман ўзбек маданият  
марказининг раиси сифатида хизмат қилди.  
Бу даврда ЎММ томонидан жуда кўп хайри



Юқоридаги таркибдаги ССРД ўшлар тери-  
ма жамоаси 1982 йилда Мексика пойтахти  
Мехикода бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида  
7-йиринни галлашган.

Бу даврларда ССРД ўсмирилар ва ўшлар  
терма жамоасига Николай Киселев тре-  
нерлик қилган. Якнингча РСФСРда хизмат  
кўрсатган мураббий Н. Киселев Москвада,  
К. Бечос номидаги марказий футболбоб Ака-  
демиясининг мураббий-устубиятичси бўлиб  
ишлади. Унинг кўплаб шогирдлари собиқ  
Иттифоқ вақтида ва ундан кейин нуғузли  
мусобакаларда иштирок этган.

Машҳур "Паҳтакор-79" жамоаси ҳалокатга  
учрагандан кейин Ф. Исломов "Паҳтакор"  
таркибида ўйинай бошлади. 1979-86 йиллар  
давомида Тошкентнинг "Паҳтакор" жамоаси  
еришган ютуқларда Фахриддиннинг салмоқ-  
ли хисаси бор.

Фахриддин ўзининг футbolga бағишилган  
бу кунини ҳеч эсдан чикармайди.

"Паҳтакор" ССРД чемпионатининг 1983  
йил 27 августандаги ўйинини, Бўкуда, ма-

тадбирлар ўтказилди. Айниқса, Қозоғистон  
халқи Ассамблеясининг 25 йиллигига ба-  
ғишилаб ўтказилган тадбирлар кўпчиликка  
мэнзур бўлди.

Фахриддин ўзбек маданият марказига  
раҳбарлик қилган пайтда Қозоғистон халқи  
Ассамблеясига аъзо бўлиб, самарали хиз-  
мат қилганилиги учун Қозоғистон Республи-  
каси Президентин томонидан ҚҲАнинг олтин  
медали билан тақдирланган эди.

Фахриддин кўччилик ҳавас қиладиган  
оила бошлиги. Унрўй ўйлуда Муниса билан  
1 йил, 3 кизни тарбиялаб, вояж етказди. 13  
нафар неварарини суюкли буваси.

Маколамиз ниҳоясида футbol шунқори  
Фахриддин Исломовга келгизи ҳаётда тарбия  
таҳкам соглик, оиласив бахт, тикират ишла-  
рида янада улкан ютуқларга эришаверишига  
тилақдошим.

Турсунқул РЕЖАМЕТОВ,  
фаҳрий муллум.


**P.S.** Мен Фахриддин билан танишганимга 40 йилдан ошди. 1980 йилларда  
футбол оммавий спорт ўйини сифатида жуда ҳам юқори погонага кўтарилиган  
пайтлар эди.

Ҳамза номли 3-сонли ўрта мактабда тарбиявий ишлар бўйича директор  
муовини сифатида фаолият юритардим. Мактабимизнинг жисмоний тарбия  
ўқутичеси Мавлонбек Йўлдошев (мархум) Фахриддин Исломовини ўқуевчилар  
билан учрашуви ташкил этишиғояси билан чиқди. Ушибу тадбирга қизғин та-  
йёрларик кўрдик.

1982 йил 10 декабрь куни ўқуевчилар сабрсизлик билан кутган учрашув бўлиб  
ётди. Мактабнинг мажлислар зали ўқуевчиларга тўлиб кетди. Ушибу учрашув  
таассусотлари ҳанузгача кўччиликнинг ёдда.

Эълон қилинётган расмларда ўша тарихий учрашув ётган 1981 йил фут-  
болдан ўсмирилар ўтласида ўтган Европа чемпионатининг бронза медали сов-  
риндорлари тасвирланган.

**Чоҳдайт**



ТО ЙИГИТ ЭРДИМ, ҚАРИЛАРГА  
КУП ЭРДИ ХИДМАТИМ,  
ҚАРИҒАН ЧОГДА ЙИГДАРЛАГА  
ОГИРДУР СУҲБАТИМ.  
Алишер НАВОЙИ.

(Табдили: "Йигит чогимда кексалар-  
нинг кўп хизматини қилдим, қариган чо-  
гимда уларга сухбатим оғирлек қилмоқда,  
яъни ёқмаяпти").

## ИҚТИБОС

### Мағриб мағрифати

"МУЛОҲАЗАЛИ КИШИ УЧУН ҲАЁТ – КОМЕДИЯ, ТАЪ-  
СИРЧАН КИШИ УЧУН ЭСА – ТРАГЕДИЯ".

Виктор ГЮГО,  
француз ёзувчisi.

"ЯХШИ ЯШАЛГАН ҲАЁТ ТЎҒРИ САРФЛАНГАН ПУЛ  
ҚАДАР ОЗДИР".

Томас КАРЛАЙЛЬ,  
инглиз ёзувчisi ва файласуфи.

"ИНСОНЛАР БИР-БИРИГА ЁРДАМ БЕРИШ УЧУН  
ТУГИЛИШГАН. ХУДДИ БИР ҚҮЛ ИККИНСИГА, ОЁК –  
ОЁКҚА, ЮҚОРИ ЖАФ ПАСТКИСИГА ЁРДАМ ҚИЛГАНДАЙ".

Марк Антоний АВРЕЛИЙ,  
Рим императори.

"ХАРАКТЕР ДАРАХТГА, ОБРў БЎЛСА УНИНГ СОЯ-  
СИГА УҲШАЙДИ. БИЗ ДАРАХТ ҚОЛИБ, КЎПРОҚ УНИНГ  
СОЯСИ ТАШВИШИНИ ҚИЛАМИЗ".

Авраам ЛИНКОЛЬН,  
АҚШнинг 16-президенти.

## “КАЛИЛА ВА ДИМНА”ДАН ҲИҚМАТЛАР

• Ҳасад шундай ўтки,  
агар тутаса, ҳўлу қуруқ ба-  
вар ёнади.

• Ўтириш қанчалик содда,  
дастурхон қанчалик факиро-  
на бўлса, сухбат шунчалик  
самимий ва ширин бўлади.

• Бу дунёнинг лаззати  
чақмоқ каби, булут сояси  
каби бир зумда ўтиб кетади.

• Куруқ тумхатларга ку-  
лоқ солган одам тўғри ва  
самимий сўзлардан ҳам ач-  
чиқланмаслиги керак.

• Агар тогнинг кулоги бўл-  
ганди эди, одамнинг одамга  
нисбатан қўлган адолатсизликларини эшишиб,  
балки парчаланиб кетар, фалак эшишса, балки ҳаракатдан  
тўхтар, бироқ одам эшишса, ҳеч нарса демаслиги мум-  
кин...

• Сабабсиз қўрқадиган тўртта жонивор бор:

1. Читтак – осмон юқилиб кетишидан қўрқиб ётади.

2. Лайлак – иккى оёғини кўйса, ерга ботиб кетишидан қўрқиб, доимо биттасини кўтариб туради.

3. Чувалчанг – кўп лой есам тугаб қолади, деб кўрқиб оч юради.

4. Кўршапалак – инсон унинг гўзалиллиги мафтун  
бўлиб, бошқа қушлар каби қафасга солишидан қўрқиб,  
кундузлари уясидан чиқмайди.

